JPA INTERNATIONAL
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
A Worldwide Network of Independent Firms

LIMITED LIABILITY
COMPANY «TTT-AUDIT»

TTT AUDIT Аудиторская Компания

147 office B.Marginoniy street. Fergana. Uzbekistan. 150100. ХАБ «TRAST BANK»
accent 20 208 000 100 921 886 001. MFO 01123 INN: 202 216 926 OKONX: 84400
Tel . + 99891 651 80 13 Web sayt: ttt-audit.uz www.tttaudit.uz Email: tttaudit @ mail.ru
The license AF № 00327 issued by Ministry of Finance from 2008.02.25.

Изохлар билан фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Сана: 25 апрел 2017 й

“Риштон пахта тозалаш заводи» АЖ акциядорларига

Манзил: **“Риштон пахта тозалаш заводи» АЖ**. Риштон тумани. АТБ Агро банк Риштон булими. х/р 2021 0000 3002 1372 1001. МФО 00504. ИНН 201 184 573

Биз, Масъулият чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шахри Б.Маргиноний-147 уй. ХАБ “TRAST BANK”. х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош аудитори **Хожиакборов С.Г** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05468 11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **“Риштон пахта тозалаш заводи» АЖ** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг “Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, “Хусусий капитал” Ф-3 ва “Пул оқимлари тўгрисида”ги Ф-4 хисобот шаклларидан иборат 2016 йил 01 январидан-2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **Мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **“Риштон пахта тозалаш заводи» АЖ** томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект **“Риштон пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти** томонидан “Хисоб сиёсати” лозим даражада ишлаб чикилмаган, БХМС-21 миллий андоза талабларига амал қилинмаганлиги ва нотўғри бухгалтерия ўтказмалари ўтказилиши натижасида хамда товар моддий захиралар хисоби юритилишида четланишларга йўл қўйилган. Келгуси давр харажатлари ошишига йўл қўйилган. Солиқ хисоботларини қўшимча кўндириш лозим бўлади. Жамиятда 2016 йил бухгалтерия баланси бўйича қўлланилган иқтисодий кўрсатгичлари коэффициенти паст динамикани ташкил этади. Бу эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланиб, баланс ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аҳамиятли даражада мухимлилик даражасидан ошмайди.

Изохлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, **“Риштон пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятининг** 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилот бош директори **Ботиров М.Х**
бош аудитор. САР

Аудитор **Хожиакборов С Г**

Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги
томонидан берилган